

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Конституциявий тузумни ағдаришга уринганликда айбланаётган журналист Бобомурод Абдуллаев ҳибсга олинганидан бир ярим ой ўтиб илк бор адвокати билан учраштирилган. Ҳуқуқ фаоли Суръат Икромовнинг “Озодлик” радиосига айтишича, адвокат Тўлқин Орифжонов 14 ноябрь куни МХХнинг собиқ Гвардейская кўчасидаги тергов изоляторида журналист билан бир соатча суҳбатлашган. Суҳбат чоғида Бобомурод Абдуллаев шикоятчи йўқлигини айтган.

Ўзбекистон Мустақил инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромовнинг айтишича, бир кун аввал Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари Орифжоновга кўкқисдан кўнғироқ қилиб, унга Бобомурод Абдуллаев билан учрашиш изни берилганини айтишган:

– Мен ҳозиргина адвокати билан гаплашдим, унга кўкқисдан кўнғироқ қилиб, келинг, дейишибди. Бориб Бобомурод Абдуллаевни кўриб чиқибди, ҳеч қанақа қийноқ белгилари йўқ, дейди. Абдуллаев ҳам шикоятчи йўқлигини айтибди. Ҳозирча бор гап шу, – деди Суръат Икромов 14 ноябрь куни “Озодлик” радиоси билан суҳбатда.

“Озодлик” радиоси Бобомурод Абдуллаевнинг адвокати Тўлқин Орифжоновнинг ўзи билан боғлана олмади.

27 сентябрь куни ҳибсга олинганидан буён Бобомурод Абдуллаевнинг яқинлари ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиши лозим бўлган хусусий адвокатга маҳбус билан учрашишга руҳсат берилмаётган эди.

Бу эса унинг МХХ ҳибсхонасида қийноққа солинаётгани ёки ўлдирилгани борасидаги хавотир ва тахминларни туғдирмай қолмади.



ҲИБСДАГИ ЖУРНАЛИСТ БОБОМУРОД АБДУЛЛАЕВ ИЛК БОР АДВОКАТ БИЛАН УЧРАШДИ

44 ёшли журналист Бобомурод Абдуллаев бир қатор мустақил нашрлар, хусусан “Фарғона” ахборот агентлиги билан ҳамкорлик қилган, шунингдек спорт шарҳловчиси сифатида ҳам танилган.

У 27 сентябрь куни таъмирга берган машинасини устхонадан олиш учун уйдан чиқиб кетганича бедарак йўқолган Абдуллаевнинг орадан бир кун ўтиб Тошкентдаги Миллий хавфсизлик хизмати изоляторида экани маълум бўлди.

1 октябрь куни Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди журналистга нисбатан Жиноят Кодексининг 159-банд 4-қисми билан айблов эълон қилди.

Журналист расман 2011 йилдан “Усмон Ҳақназаров” имзоси остида “амалдаги тузумни ўзгартиришга чақирувчи” мақолалар чоп этиш ва Ўзбекистонда “инқилоб қилиш”га уринишда гумонланмоқда.

Суръат Икромовга кўра, Бобомурод Абдуллаевнинг адвокати билан учраштирилиши халқаро ташкилотлар босими самарасидир:

– Энди уни кўрсатишмаётгани учун ҳар хил гаплар чиқиб кетди. Ижтимоий тармоқларда уни қийнаб ўлдиришди деган таянчлар ҳам айтилди. Адвокатини айтишича, хавфсизлик хизматлари Абдуллаевнинг компьютеридаги маълумотларни экспертизага берган, шунинг учун тергов чўзилаётган экан, – дейди Суръат Икромов.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди 1 октябрь куни Абдуллаевни 10 кун МХХ ҳибсхонасида сақлаш ва шу муддат ичида унга қарши жиноий иш очиш ҳақида қарор чиқарган эди. Аммо орадан бир ярим ой ўтганига қарамай, ҳозирча Абдуллаевга жиноий иш очилган-очилмагани ҳақида расмий хабар йўқ.

Журналистларни ҳимоя қилиш кўмитаси, Чегара билмас муҳбирлар, Халқаро Пен клуб, Amnesty International ва Human Rights Watch ташкилотлари журналист Бобомурод Абдуллаевни озод қилиш талаби билан чиқди.

ЎХХ хабарлар бўлими

2017 йилнинг 10 ноябрь куни эрталаб тахминан соат 7.30 ларда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари жамияти раиси ва мустақил журналист Малоҳат Эшонқулова истиқомат қилаётган уйнинг эшиги тақиллади.

-Мен суд ижро бўлимадан Сирожман, очинг, – деди эшик ортидаги овоз, – ҳикоя қилади Эшонқулова.

Бу сафар ҳуқуқбон ва журналист суд ижрочиларига бемалол эшикларни ланг очиб берган.

-Сабаби қўлимда нотариал идора орқали тасдиқланган ижара шартномаси ва ижара мулкани топшириш ва қабул қилиб олиш ҳақидаги нотариус гувоҳлиги ва тасдиғи билан имзоланган “Ижара мулкани



Ўзбекистон: Ҳуқуқбон ва журналистнинг уйида тинтув ўтказилди

топшириш ва қабул қилиб олиш ҳақида” ги “Далолатнома” мавжуд бўлиб, бу дегани мен ўз қизимнинг уйида ижара шартномаси асосида 2 ижарачи билан бирга истиқомат қиламан. Ва нотариал идора орқали уй эгаси бўлган қизим ва куёвимнинг уй жиҳозларини бирма-бир хатлаб, рўйхат қилиб уй жиҳозларига зиён етказмасдан фойдаланиш шарт билан қабул қилиб олиш хусусида далолатнома ҳам имзолаганмиз. Қўлимда бу уйда ижарачи сифатида истиқомат қилаётганлигим ва уй жиҳозларини зиён етказмасдан фойдаланиш мақсадида қабул қилиб олганлигимиз (Нега “Биз” демокдаман? Негаки бу ижара шартномаси ва далолатнома биргина мен билан қизимнинг ўртасида эмас, биз – уч нафар ижарачи ва қизимнинг ўртасида тузилган). Мен истиқомат қилаётган хонадондаги уй жиҳозлари менга эмас, хонадон эгаларининг мулки эканлигини тасдиқловчи нотариал идоранинг далолатномаси мавжуд. Бунингдек ҳолатда Ўзбекистон Республикаси қонунлари менинг, Эшонқулованинг қарздорлиги эвазига ўзганинг – қизим ва куёвимнинг хусусий мулки бўлган уйидаги уй жиҳозларини, мол-мулкларини мусодара қилишга, хатлашга изин бермайди, – дейди биз билан суҳбатда Малоҳат Эшонқулова.

Аммо вазият журналист кутгандек бўлиб чиқмади. Учтепа туман суд ижрочилари Эшонқулованинг кўлидаги ижара шартномаси ва ижара мулкани топшириш ва қабул қилиб олиш

тўғрисидаги нотариал идора орқали тасдиқланган ҳужжатларга эътибор қаратмади, аниқроғи тан олмади.

-Бу ҳужжатларингизни биз мол-мулкларни хатлаб олиб чиқиб кетгач, мулкларни қайтаприб олиш мақсадида қизингиз судга тақдим қилади, бизнинг вазифамиз сиз истиқомат қилаётган хонадондаги мол-мулкларни хатлаб, олиб чиқиб кетиш, – деди ўзини Сирож деб таништирган Учтепа туман суд ижрочиси.

“Қизиги шундаки, эрталаб тахминан соат 7.30 ларда келган уч нафар суд ижрочилари то кеч соат 18.00 га қадармен истиқомат қилаётган қизимнинг уйида бўлишди. Буни мол-мулкни хатлаш деб бўлмасди. Қизимнинг уйида ҳақиқий тинтув бўлиб ўтди” дейди Эшонқулова.

М. Эшонқуловага кўра уч нафар суд ижрочилари қизи Алимбекова Зарнигорнинг хонадони ҳожатхонасини, ҳожатхона челақларини, ҳаммомни, ҳаммомдаги тоғара, челақларни, ахлат челақларини, ҳар бир хоналарни ва хоналардаги шикаф ва жавон тортмаларини, ёш-келин-куёвнинг сандиқларини, ошхона мебилининг ҳар бир тортмаларини, балкондаги кичик ертўлани, кўрпаларнинг қатларини, болишларнинг ичларини, чойнақларнинг ичларини, газ плитанинг ичларини, хуллас, хонадонни ипидан игнасига қадар кўздан кечиришган.

-Кўрмганалари биргина набирамнинг булғаб қўйган памперси қолди, – дея жилмаяди

Эшонқулова.

-Тинтув ўтказишган бўлса, тинтув ўтказиш ҳақида ордер кўрсатишдими? – деган саволимизга жавобан Малоҳат Эшонқулова шундай дейди:

-Улар суд ижрочилари никоби остидаги қароқчилар аслида. Ҳеч қанақанги қоғоз кўрсатишган эмас. Уйда ўзларини худди уй эгасидек тутишади. Кўнгилларига нима келса, шуни қилишади, истаган нарсасини, ҳатто чинни буюмларнинг қаробкасигача очиб кўришди. Сирож исимли ижрочи нуқул қизимни четга имлаб пичирлагани пичирлаган.

Кейин қизим келиб менга “Ойи, буларга фақат сизнинг ноутбугингиз ва мобил телефонингиз керак экан.

Сирож ака “Агар мол-мулкларимни хатлаб олиб чиқиб кетмасин десанг, ойингнинг ноутбуки ва мобил телефонини топшир” деяпти. Балки, ноутбугингиз билан қўл телефонингизни бериб, кутилармиз. 10 соатдан бери чарчаб кетдим” деди йиғламсираб.

Суд ижрочилари мен истиқомат қилаётган хонадонлардан шу кунга қадар 6 маротаба мажбурий ижро ҳаракатларини олиб боришди ва 2 та телевизор, 2 та стол компьютери, 4 дона ноутбук, битта видеокамера, 5 дона фотоведеоаппарат, 1 дона модем, ҳисобсиз флешкаларни мусодара қилиб кетган. Охириги дамларда ноутбугим йўқлиги сабабли Шухрат Рустамовнинг ноутбукларини ишлатиб тургандим. Ҳатто Рустамовнинг ноутбуклари ҳам мусодара бўлиб кетди. Рустамов судга бериб ҳам ўз ноутбукини қайтариб ололмади. Ҳозир бир қариндошимнинг ноутбукини тутмоқдаман. Бу ноутбукнинг ҳам клавиатураси ишламайди. Шу сабаб катта клавиатура сотиб олиб, ишлатиб юраман. Яхшиямки, бир кун олдин Рустамовнинг уйига доимий пропискага оид суд ишим юзасидан апелляция шикоятни ёзиш мақсадида борганимда ноутбугимни ташлаб келгандим. Акс ҳолда бировнинг бу ноутбуки ҳам мусодара бўлиб кетарди. Демак, қонун идоралари менинг орг.техникам билан қизиқмоқдами, демак, улар компютеримдан, телефонимдан ниманидир қидириш, топиш ва

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

менинг овозимни ўчириш пайида деган тўхтамга келдим, – дея хулоса қилади журналист, – Афтидан, менинг мажбурий меҳнат борасида олиб борган мониторингларим бош вазир Ариповнинг қахру ғазабига сабаб бўлган, – хулоса қилади журналист ва ҳуқуқбон.

Кеч соат 18.10. ларда уч нафар Учтепа туман суд ижрочилари

Эшонқулова истикомат қилаётган куёви Алимбеков Қодирбекнинг хонадонидан уй соҳибларига тегишли бўлган 2 дона “обогреватель”ни ва битта “вентилятор”ни хатлаб, олиб чиқиб кетишган.

Суд ижрочилари олиб чиқиб кетилаётган мол-мулклар рўйхати тўғрисида далолатнома (“АКТ”) тузишган, бироқ “Мухр урилмаган, эртага ишхонага борсангиз, нусха

оласиз” дея далолатнома нусхасини беришмаган.

– Бугун, 11 ноябрь куни соат 11.00 ларда Учтепа туман суд ижрочили Сирожга бориб учрашдим. Аммо “Мухр босишга бошлиқ йўқ” деган баҳонада яна далолатномани беришмади. Куруқ қайтдим, – дейди Малоҳат Эшонқулова.

Орзигул ХУДОЁРОВА
мустақил журналист



Тошкент шаҳрида яшайдиган ота-онанинг уч қизи заҳарланишдан вафот қилди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида яшайдиган ота-онанинг 7,6,4 яшар қизлари заҳарланишдан вафот қилган. Қизчалар яқинларининг “Озодлик” радиосига айтишича, қийма кабоб еганидан сўнг қорни оғриган болаларга отаси аптекадан дори олиб берган ва қизчалар шу доридан заҳарланган. Кабоб пиширадиган кабобхона ва уларга дори сотиб олинган аптекамуҳрланган ватекширув ишлари олиб бориляпти. Шаҳар прокуратураси бу воқеа юзасидан жинойт иши очган.

Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани Бешқўрғон мавзесида истикомат қилган етти яшар Муниса, олти яшар Мухлиса ва тўрт яшар Моҳира 8-ноябрь кечаси 9-ноябрь куни эрталаб бир неча соатнинг

ичида кетма-кет вафот қилган.

Марҳумалар қўшниларида бирининг қизчалар отаси гапига таяниб “Озодлик” радиосига айтишича, ўша куни отаси олиб келган қийма кабобдан болаларнинг қорни оғриган ва уларга аптекадан дори олиб берилган:

“Отасининг айтишича, ўша қийма кабобни ҳаммалари еган. Лекин фақат болаларнинг қорни оғриб қолиб, қусишни бошлаган. Шунда у аптекадан бориб қорин оғриққа қарши дори олиб келиб берган. Лекин кечаси болаларнинг аҳволи янада оғирлашган. Кейин тез ёрдам чақиришган. Айтишларича, улардан биттаси йўлдаёқ вафот этган. Бу шунақа ҳам даҳшат бўлдики, ҳамма шокка тушиб қолди. Онаси хушидан кетиб қолган”, дейди қўшнилardan бири.

Унинг айтишича, қизлардан каттаси бу йил биринчи синфга борган, иккиси боғчага қатнаган.

Қўшнининг сўзларига кўра, қизчалар ўртаҳол оиладан бўлган. Уларнинг дадаси қиракашлик қилиб оила тебратган.

Олмазор тумани ички ишлар бўлимининг мулозими шундай воқеа бўлганини тасдиқлади:

“Қизчаларнинг энг кичиги 8-ноябрь куни кечқурун соат 11-ларда Олмазор туманидаги болалар касалхонасида вафот этган. Қолган икки қизчанинг аҳволи жуда оғир бўлганлиги учун Учтепа туманидаги юқумли касалликлар касалхонасига юборилган. Лекин, улар 9-ноябрь куни эрталаб вафот этган. Биз олган маълумотга кўра, болалар ўша куннинг ўзида экспертиза қилинган. Асосий заҳарланиш овқатдан бўлганми ёки доридан бўлганми, бунисини ҳозир аниқ айтолмайман. Қизчалар ичган дорилар ҳам экспертизага олинган. Бу масала билан ҳозир шаҳар прокуратураси шуғулланыпти”, деди ички ишлар мулозими.

Мулозимнинг айтишича, қизчалар еган кабоб пиширилган ошхона ва дори сотиб олинган аптека муҳрланиб, текшириляпти.

Тошкент шаҳар прокуратурасидан бу воқеага муносабат олишнинг имкони бўлмади.

ЎХХ хабарлар бўлими

Куёвлар бир хил кийинган эдилар, икковининг ҳам эгнида японги кўк костюмлар. Иккисининг ҳам сочи бир тарафга силлиқ қилиб таралган. Келинлар эса бошидан товонигача тушган оқ келинлик либосларига бурканганлар.

Йўл бошловчимизнинг бизга айтишича, куёвлар эгизак эканлар. Собиқ Совет Иттифоқининг кўплаб мамлакатларида урфга айлангани сингари Ўзбекистонда ҳам ёш келин-куёвлар ўзларида яшайдиган шаҳарнинг эътиборга сазовор жойларига бориб эсдаликка расмга тушадилар.

Бу келин-куёвлар Амир



Би-би-си мухбири Ўзбекистонда нималарни кўрди: музлар эримоқдами?

Темурнинг пойтахти Регистон майдонида фотосуратга тушишга келган эдилар.

Майдон ва унинг атрофи ҳайратланарли даражада гўзал. XIX асрда инглиз саёҳатчиси ва Хиндистоннинг вице-кироли Жорж Керзон Регистонни “дунёнинг энг мухташам майдони” деб атаган эди.

Бизнинг бу ерда бўлишимизни ҳам тарихий деб аташ мумкин.

Биз охириги 12 йилда Ўзбекистон ичкарасида репортаж учун материал тўплашга изн берилган Би-би-сининг илк журналистлари бўлдик.

2005 йилги қонли Андижон ҳодисаларидан кейин Би-би-си ўз журналистларини Ўзбекистондан олиб чиқиб кетишга қарор қилганди.

ЕХХТ ҳисоботида кўра, ҳукумат кучлари Андижон шаҳрида қуролсиз намоийшчиларни ўққа тутгани оқибатида камида 300

инсон ҳалок бўлганди.

Ўшанда Би-би-си раҳбарияти Ўзбекистон ичкарасидаги фаолиятини тўхтатишга қарор қилганди.

Ҳозирга келиб эса вазият ўзгараётгандек. Авторитар президент Ислоҳ Каримовнинг вафотидан кейин Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келди. У қатор эҳтиёткорона ислоҳотларни амалга оширди.

Айрим сиёсий тутқунлар озодликка чиқарилдилар, матбуот устидан назорат анча юмшатилади, нотижорат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларига Ўзбекистонда фаолиятларини қайта бошлашларига руҳсат берилди.

Бирок ҳозирча ўзгаришларнинг кичик миқёсда ва босқичма-босқич экани кузатилмоқда. Тошкентда бир пиёла чой устида маҳаллий инсон ҳақлари фаолининг менга айтишича, кўпчилик бўлаётган

ушбу эркинлаштириш косметик характерга эга ва сармоёлар ва кредитларни қўлга киритиш, чекловларни олиб ташлаш эвазига демократия кўринишини яшаш учун қилинмоқда деган хавотирда.

Тошкентга етиб боришимиз билан бизни кураторимиз кутиб олди. Уни бизга Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги тақдим этди.

У ўзини “ҳамроҳлик қилувчи” деб атади. У бизга ҳамма жойда ҳамроҳлик қилди. Айтишича, “бизда бирор бир муаммо бўлмаслиги учун” шундай қилган.

Барча интервьюларимизда у бизнинг ёнимизда бўлди, ҳамма нарсани диққат билан эшитиб ўтирди, лекин бизнинг ишимизга аралашгани йўқ.

Биз Самарқанддаги бозорга кирдик. У ерда аёллар иссиқ нон, куруқ мевалар, ошлик учун зираворлар билан савдо қилишарди.

“Ҳамроҳлик қилувчи”миз у ёқдан-бу ёққа асабий ўтиб-қайтиб турган пайтида биз одамлардан бўлаётган ўзгаришлар ҳақида қандай фикрда эканликларини сўраймиз.

Маълум бўлишича, одамлар ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашишни хоҳлайдилар. Айрим одамлар телекамера кўтариб олган хорижий журналистлар ва куратор қаршисида ўзларини йўқотиб қўйишар ва ўргатиб қўйилган жумлаларни такрорлайверардилар: “Ҳамма нарса яхши – озиқ-овқат етарли, уруш йўқ, ҳукумат жуда яхши ишлаяпти, ҳамма одамлар рози”.

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Айримлар эса очик гапирди. Бир аёл иш жойлари етишмаслигидан, кредитлар билан боғлиқ муаммолари мавжудлигидан шикоят қилди. Айнан шунинг учун ҳам “хамма эркаклар Россияга кетиб қолишганини” айтди.

Биз Сайфулло Соиповнинг иши билан ҳам кизикдик. АҚШ расмийлари ўзбекистонлик 29 яшар муҳожирни 31 октябрь куни Нью-Йоркдаги саккиз инсон ўлимига олиб келган террорчилик хуружидан айбладилар.

Соипов Тошкентда туғилган ва биз унинг уйига бориб қариндошлари ва қўшнилари билан суҳбатлашмоқчи бўлдик.

Биз бошида кураторларимиз бунга қаршилиқ қилишади, деб ўйладик. Экстремизм – Ўзбекистонда нозик мавзу. Чунки Фарбдаги бир неча хужумларда ўзбекларни қўли борлиги хабар қилинди. Биз, ўзбекистонлик расмийлар Соиповнинг мавзусини ўрганишимизни хохламайдилар, деган ўйда эдик.

Ўзбекистоннинг ўзида террорчилик хуружлари кам содир этилган. Шунга қарамадан, минглаб инсонлар экстремизмда

айбланиб қамоққа ташланганлар. Инсон ҳуқуқлари фаолларининг айтишича, кўпчиликни фақат муҳолифат вакили бўлгани учун қамаганлар.

Бизни ҳайратга солиб Соипов ҳақида ахборот йиғишимизга руҳсат беришди. Биз Соипов яқинларининг уйини қидириб Тошкентнинг ўртаҳол маҳалласига йўл олдик.

Бутун минтақада бўлгани сингари ҳар бир туманда ўз милиция участкаси бор ва бизни дарров ўша ерга олиб боришди. У ерда бизни чиройли пиёлаларга қуйилган чой ва айиқчалар шаклидаги печенье билан меҳмон қилишди.

Анча узоқ, аммо нега бу ерга келганимиз ҳақидаги дўстона суҳбатдан кейин биз Соиповнинг хонадонига йўл олдик. Биз унинг онаси, қўшниси ва собиқ ўқитувчиси билан суҳбатлашдик.

Улар бизга Сайфулло Соипов ҳақида жуда муҳим ва жуда қизиқарли нарсаларни ҳикоя қилиб беришди. Шу жумладан, олдин унинг динга қизиқмагани, ҳеч ҳам кўполлик қилмагани ва жуда яхши ўқиганини айтиб беришди.

Ўзбекистонга сафаримиз у ерда ўзгаришлар бўлаётганига бизни ишонтирдими? Муайян

маънода, ҳа. Шубҳасиз, бизни бундай қарши олишларини кутмагандик: биз божхонада ҳар қандай электрон жиҳоз ағдартўнтар қилиб текшириб қўрилиши ҳақидаги ваҳималарни ўқиганимиз учун ана шундай текширишларга тайёр бўлиб боргандик. Бирок бизни телевизион аппаратурамиз ҳақидаги бирор бир саволсиз ўтказиб юборишди.

Биз Самарқандга яп-янги тезюар поездда бордик. Кейин бизни ҳаддан зиёд тоза ва ёқимли кўчалардан олиб ўтиб, улкан, ялтираб турган конференц-марказга элтишди. Буни эркинлик ва олдинга силжиш бўлаётганини бизга кўрсатиб қўйиш учун қилишдими? Жавоб бериш мушкул.

Лекин бир нарса аниқки, мамлакатда қайсидир даражада эркинлик бор. Ўзгаришлар қанчалар реал ва барқарор – бир неча ой ёки бир неча йилдан сўнг аён бўлади.

Аниқ нарса шуки, бир Ўзбек расмийси менга айтганидек, ислохотлар – тўғри йўналиш томон қўйилган қадам ва уларни халқ кўллаб-қувватлайди: “Одамлар кўпроқ эркинликни хошлайдилар”.

**Уилл Вернон
Манба: Би-Би-Си Ўзбек**

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда 15 ноябрдан бошлаб бензин нархи 1,5 баробарга қимматлаган. 14 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурслари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бош вазир Абдулла Арипов томонидан имзоланган. Нарх қимматлаши арафасида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бензин тақчиллиги кузатилди. Айрим жойларда бензин 5500 сўмгача сотилгани айтилмоқда.

Бирок ҳозирча вазирлар Маҳкамасининг бензин ва дизель ёқилғиси нархларини кўтариш тўғрисидаги қарори расман эълон қилинмади.

Маҳаллий нашрлар ижтимоий тармоқларда ҳукумат қарори нусхаси тарқатилгани ва ўз манбалари, жумладан, “Ўзбекнефтгаз” ширкати берган маълумотларга асосланиб, бензин нархи қимматлаганини ёзмақда.

Тошкентдаги қатор

Ўзбекистонда бензин нархи қимматлади

АЁҚШларнинг ходимлари ҳам 14 ноябрдан 15 ноябрга ўтар кечаси нархлар қимматлаши кутилаётганини маҳаллий матбуотга тасдиқлаган.

Sputnik нашрининг ёзишича, қарорга асосан шу кунгача 2800 сўм бўлган Аи-80 бензинига 3800 сўм, 3000 сўм бўлган Аи-91 бензинига 4300 сўм; Дизел ёқилғисига 4100 сўм; ЭКО дизель ёқилғисига 4200 сўм нарх белгиланди.

Podrobno.uz нашри эса вилоятларда бензин тақчиллиги юзага келганини, вилоятларда АИ-80 бензини чайқовчилар томонидан 4000-5500 сўмдан сотилаётганини маълум қилди.

Нашрнинг билдиришича, Ўзбекистонда 2010 йилдан 2016 йилгача бўлган давр мобайнида бензин ишлаб чиқариш 26,2 фоизга, дизель ёқилғиси ишлаб чиқариш 8,3 фоизга қисқарган.

Айни пайтда углеводородларни импорт қилиш ҳажми 1,3 фоизга кўпайган.

“Газета.uz” эса ўз хабарида Вазирлар маҳкамаси қарорида 2018 йилнинг 1 апрелидан табиий газ нархини 10 фоизга, электр қуввати нархини 12 фоизга кўтариш назарда тутилганини таъкидлади.

Нашр дизель ёқилғиси нархининг кескин кўтарилганига ҳам эътибор қаратади. Хабарда қайд этилишича, дизель ёқилғиси нархи 72,6 фоизга, ЭКО дизель ёқилғиси 71 фоизга қимматлади.

“Нархларнинг қимматлашига ё н и л ғ и - э н е р г е т и к а ресурсларининг жаҳон баҳоси кўтарилгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда”, деб ёзади “Газета.uz”

Бензин нархи охириги марта бир йил муқаддам ўзгарган. 2016 йилнинг 23 октябрида Ўзбекистонда бензин нархи ўртача учдан бирга, 2075 сўмдан 2800 сўмга кўтарилган.

ЎХХ хабарлар бўлими



6 ой яшаган қарор

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Президент Мирзиёев шу йилнинг 20 апрелида чиқарган “Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бекор қилган. Газ таъминоти ва тўловларни йиғиш хусусий операторларга топширилмайди.

Апрелда чиқарилган қарор 13 ноябрда Президент имзолаган янги қарор орқали бекор қилинган.

“Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда айтилишича, “электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини янада жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Ишчи комиссия аъзолари ўртасида музокаралар” бўлиб ўтган.

Қарордан маълум бўлишича, дастлаб хориждан 2 миллион дона электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ускуналари келтирилади.

Ускуналар “Sagemcom”, “Elster GmbH” компаниялари ва “Toshelectroapparat” МЧЖ ХҚдан истисно тариқасида тендер савдоларини ўтказмасдан харид қилинади.

Қарордан маълум бўлишича, имтиёзлар берилгани борасида изоҳ берилмаган. “Ўзбекэнерго” ва “Ўзтрансгаз” жамиятлари қурилиш-монтаж ишларини, маҳаллий товарлар ва хизматларни харид қилишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгиланган.

Ҳисоблагичлар учун ким пул тўлаши номаълум

“Ўзтрансгаз” ширкатидан исми

сир қолишни истаган масъулнинг Би-би-сига айтишича, янги ускуналар ўрнатиш эвазига жорий қилинадиган тўлов тизимидаги кўп жиҳатлар ҳозирча мавҳум.

“Бу ҳақда Вазирлар маҳкамаси таклифларини беради. Шуниси маълумки “Ўзтрансгаз” ушбу ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиб, унга газ етказиб беради. Аммо уларга пулни ким тўлаши номаълум”, – дейди сўхбатдош.

Олдинги қарорда ҳисоблагичлар “Ўзтрансгаз” томонидан ўрнатилиши ва пули бир йил ичида истеъмолчи томонидан тўланиши кўрсатилган эди.

6 ой яшаган қарор

Президент Мирзиёевнинг 20 апрелда чиқарган “Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 6 ой амал қилди.

Унда газ таъминоти ва тўловларларни ундириш хусусий корхоналарга топширилиши кўрсатилган эди.

Унда хусусий операторлар барча қарзларни ундиришни ҳам ўз зиммасига олиши ҳамда кейинги йиғимлар учун масъул бўлиши маълум бўлганди.

Хусусий операторлар газ таннархига кўпи билан 21 фоизгача устама қўйиши белгилаб қўйилганди.

“Қарорда ёппасига хусусийлаштириш кўрсатилмаганди. Ҳар бир вилоятдан биттадан туман танлаб олинганди. Аммо ушбу тизим ишламагани сабаб ундан воз кечилди. Газ нархи учун йиғимларни тўплаб Мажбурий ижро бюросига топширилди. Улар хизмати учун маълум ҳақ олади. Тўпланган пулни

эса тегишли корхоналар ўз хизмат ҳаққидан келиб чиқиб олаверади. Давлат газини хусусий қўлларга топшириб қўйиш осон иш эмас”, дейди қарор бекор қилинганига ўз муносабатини билдирган масъул.

Ўзбекистоннинг янги Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилган қарор ва тайинловларини кўп ўтмасдан бекор қилиш билан эса қолмоқда.

Ўзгарувчан фармонлар

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил февралда Тошкент аэропортининг Жанубий Корея билан ҳамкорликда Ҳумо қуши шаклида қуриладиган янги терминали техник-иқтисодий асосини тасдиқлаган эди. Июнда эса қурилиш президентнинг бошқа қарори билан тўхтатилди.

Бунга “турар ва нотурар жой биноларини бузишга, Қорасув каналининг ўзанини ўзгартиришга, аҳолини кўчиришга, буларнинг бари биргаликда қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудуддаги аҳоли норозилигига сабаб бўлиши” ваз қилиб кўрсатилди. Кейинроқ қурилиш яна қайта бошлангани ҳақида хабарлар пайдо бўлди.

Лекин энг шов-шувли ўзгариш бу эмас. Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги фармони билан 2017 йил 1 апрелдан бошлаб жаҳоннинг 27 мамлакати, хусусан, Буюк Британиядан келаётган маълум тоифадаги сайёҳлар учун кириш визалари бекор бўлишини эълон қилди.

Президентнинг бу илғор фармони жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Хусусан, Британиядаги қатор машҳур нашрлар ҳам айнан шу янгиликка ишониб, 2017 йилда бориш лозим бўлган жаҳон мамлакатлари рейтингларига Ўзбекистонни кирита бошлади.

Бироқ 22 декабрь куни (биринчи фармондан 20 кун ўтгач) Шавкат Мирзиёев бошқа бир фармон билан визасиз тартиб жорий этилишини 2021 йилгача кечиктирди. Қизиқ томони, ваъда қилинган визасиз тартиб кечиктирилгани ҳақидаги ахборот 2017 йил 9 январда, фармон имзоланганидан 18 кун ўтиб эълон қилинган эди.

Президент Мирзиёев Тошкентда электрлаштирилган тезювар ҳалқа темирўлини қуриш тўғрисидаги қарорни 2017 йил 19 май куни имзолаган эди. Орадан беш ой ўтиб Президент бошқачароқ кўрсатма бергани маълум қилинди.

ЎХХ хабарлар бўлими



Тошкентшаҳри ва Тошкент вилоятида диндорлар оммавий тарзда ҳибсга олинмоқда

2017 йилнинг 16 ноябр куни Мустақил журналистлар ташаббускор гуруҳига Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманида истикомат қилувчи бир гуруҳ аёллар ариза билан мурожаат қилди. Аризага кўра, 2017 йилнинг 14 ноябр куни соат эрталабки 6 да уларнинг уйларига Тошкент вилояти Зангиота туман ИИБ ва Тошкент шаҳар ички ишлар Бошқармасининг 5 нафар ходимлари бостириб киришган.

Ички ишлар ходимларининг барчаси фуқаролик кийимларида бўлишган ва улар таҳминлара кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “терроризм ва экстремизмга қарши кураш” бошқармаси ва бўлинмаси ходимлари бўлишган. Улар қўлга олинганлар уйларида

тинтув ўтказишган, ҳамда протокол тузишган, аммо протокол нухаси хонадон эгаларига берилмаган.

3 кун ичида 20 дан 60 ёшгача бўлган, 79 нафар диндор аёл ва эркаклар қўлга олинган. Буларнинг ичида ўзаро қариндош бўлганлар ва уларнинг фарзандри ҳам бор бўлиб, улар Зангиота туман ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББга олиб кетилиб, сўроққа тутилган. 16

ноябр куни соат кечки 8 ларда қўлга олинганлар қўйиб юборилган ва фақат 5 нафар эркак ва 2 нафар аёл Тошкент шаҳар ИИББ тергов изоляторида олиб қолинган.

Аёлларнинг сўзларига кўра уларни, 1986 йилда туғилган ва 2008 йилдан буён қидирувда бўлган қариндошлари – Тўхтаўжаева Гўзалнинг ҳозирда қаерда эканлиги ҳақда сўроқ қилишган. Тўхтаўжаева Гўзал Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159 ва 244-моддасининг 2-банди билан айб қўйилган.

Қўлга олинган, 1975 йил туғилган Агзамова Дилдоранинг, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қорақамиш кўчасида жойлашган 34-рақамли уйида 1 кун ичида 3 марта тинтув ўтказишган ва унинг 1994 йилда туғилган ўғли

– Насруллоҳни қўлга олишган ва у ИИББда куч ишлаб, калтакланган.

Агзамова Дилдоранинг эри Агзамов Файзулла Саидқаримович, 1969 йилда туғилган бўлиб, 2001 йилда диний важдар билан маҳкамага тортилиб, 17 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва 2017 йилда бу муддатга яна 16,5 йил қўшиб берилган. Ҳозирда Бухоро вилояти Коровулбозор туманида жойлашган КИН 64/25-сонли махсус режим камокхонасида сақланмоқда, унинг акаси, 1965 йилда туғилган Агзамов Шукрулло 1999 йилнинг 16 феврал куни ҳибсга олиниб, диний айблар билан суд қилинган ва Зарафшон колониясида ушланган. 2006 йил аёвсиз қийноқлар натижасида, оғир аҳволда Тошкентдаги камокхона касалхонаси бўлган “Сангород”га олиб келинган ва шу ерда вафот қилган... Мустақил журналистлар ташаббускор гуруҳига уларнинг яқин қариношларидан қўлга олиш ва ҳибслар ҳақда аризалар келишда давом этмоқда. Барча қўлга олинганлар, 2 ой аввал махсус комиссия томонидан барчанинг чиқарилгани расман баён қилинган “қора рўйхат”га киритилганлардир.

17.11.2017 г

Сурат Икромов
Ўзбекистон мустақил
журналистлар ташаббускор
гуруҳи раиси
E-mail: surat.i@rambler.ru,
suratikramov@gmail.com

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон БМТда Қримдаги инсон ҳуқуқлари бўйича резолюцияга қарши овоз берди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ташқи сиёсатини Кремль белгилай бошладими? деган савол ўртага чиқди. Бу савол Озодликнинг “Қурултой” эшиттиришида муҳокама қилинди.

Эшиттиришда қатнашган Мустафо Жамил «Ўзбекистон Москвадаги “катта оға”сининг ноғорасига ўйнапти» дея таъкидлади.

Украина Олий Раадаси депутаты, Қрим татарлари лидери Мустафо Жамил “Қурултой” дастурида Россиянинг Қримдаги сиёсати қораланган БМТ резолюциясига Ўзбекистон қарши овоз берганига таассуф билдирди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатини Кремль белгилай бошладими?

“Ўзбекистонда ўзгаришлар бўлаяпти, деб айтишаётгани, афсуски яхши томонга ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди. БМТда Қрим масаласида бундай овоз бериши Ўзбекистоннинг ҳали ҳам Россияга сиёсий қарамлиги ифодасидир. Бир қатор давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам Москвадаги катта оғаси ноғорасига ўйнапти”, – деди Мустафо Жамил.

БМТ Бош ассамблеясининг ижтимоий, гуманитар ва маданий масалалар бўйича қўмитаси Қрим ярим оролида инсон ҳуқуқларига оид вазият юзасидан Украина тайёрлаган резолюция лойиҳасини қабул қилди

Таъкидланишича, резолюция

лойиҳасини 75 та давлат қўллаб-қувватлаган, 25 мамлакат унга қарши чиққан, 77 таси эса бетараф қолган.

Лойиҳани ёқлаб кўпчилик Европа мамлакатлари ва АҚШ овоз берди. Ўз навбатида, Россия, Хитой, Беларусь, Сербия, Ҳиндистон, Арманистон, Куба, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон қарши чиқди.

Резолюция БМТга октябрда киритилган эди. Ушбу ҳужжат, хусусан, «Қрим-татар халқи мажлиси» ташкилотини тақиқлашни бекор қилиш ҳамда украин ва қрим-татар тилларида таълим олишни таъминлаш каби талабларни назарда тутди.

ЎХХ ахборот бўлими

“Дунё ўзбеклари” бош редакторига мактуб)

Модомики, Усмон Ҳақназар воқеасининг асл моҳиятини билганлар жим туриб, билмаганлар от чоптираётган экан, камина мавзунин билганлардан бири ўларок, баъзи гапларни айтишга жазм этаяпман.

“Аллоҳни танимаган ўзини ҳам танмайди” дейдилар. Афсуски, ўзини танимаган бир гуруҳнинг “Бобомурод Абдулла Усмон Ҳақназаров эмас-ку, нега уни Муҳаммад Солиҳ Усмон Ҳақназаров деяпти?”, дея кўтарган “фарёди”га биз хурмат қилиб юрган “Дунё ўзбеклари” сайти ҳам кўшилди.

Биринчидан, Бобомурод Абдуллаевнинг Усмон Ҳақназаров эканини матбуотда биринчи бўлиб айтган Муҳаммад Солиҳ эмас, “asi-aterra.info” сайтининг редактори Волосевич эди.

“Журналиста Бобомурода Абдуллаева обвиняют в том, что он «Усман Хакназаров» Понедельник, 02 Октября 2017 года.

<http://asiaterra.info/news/zhurnalista-bobomuroda-abdullaeva-obvinyayut-v-tom-chto-on-usman-khaknazarov>“)

Иккинчидан, Алексей Волосевич ҳам бунин осмондан олиб айтгани йўқ, Волосевич бу иддаосини 30 сентябрда Юнусобод суди чиқарган ушбу айбномага таяниб эълон қилди.

Мана, ўша айбномадан парча: “Инсон ҳақлари фаоли Сурат Икромов Би-Би-Си га тақдим этган қарор нусхасидан маълум бўлишича, судья Шамсуддинова Э. Р раислигида ўтган маҳкама Бобомурод Абдуллаев “2011 йилдан шу кунгача” “Усмон Ҳақназар” тахаллуси остида муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раиси Муҳаммад Солиҳнинг “буюртмаларини бажариб келгани”ни аниқлаган” (<http://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-41482453>).

Манба, Ойша холанинг ғийбати эмас, Би-Би-Си радиоси! Радионинг манбаси эса, суднинг қарори!

Бобомурод Абдуллани Усмон Ҳақназар деб жиноий иш очган Юнусобод туман суди шу йилнинг 1 октябр куни бўлиб ўтди, 2 октябр куни эса, Волосевич ўз сайтида бу ҳақда хабар берди, Муҳаммад Солиҳ эса, суд қароридан 3 кун сўнгра, Волосевич хабаридан 1 кун сўнгра Истанбулда пресс конференция чақириб, ундан

Бобомурод Абдулланинг ҳибсга олингани ва унинг аслида Усмон Ҳақназар эканини дунёга эълон қилди!

Хўш, бу ҳужжатлардан кейин ҳам Бобомурод Абдулланинг Усмон Ҳақназар эканини “фош қилган” Муҳаммад Солиҳ дея оласизми?

Ҳа, инсоф ва виждон бўлмаса деяверади. Ўзини “инсон ҳақлари ҳимоячиси” деб танитган бир шаллақи хотин ҳали ҳам



Ислом Холбой: “Ҳақназар”га ҳақ назар билан қарайлик...

“Муҳаммад Солиҳ Бобомурод Абдуллани Усмон Ҳақназар деб, уни сотди” дея айюханнос солишда давом этмоқда. Унинг атрофида эса хотин бўлмаса ҳам характерлари шу хотинга яқин “эркак”лар ҳам уймалашиб, Солиҳга лой чаплашда давом этмоқда.

Гап очилган экан, яна бир хусусда тўхталмоқчиман.

Нима сабабдан Муҳаммад Солиҳ ҳибсга олинган журналист Бобомурод Абдулланинг айнан Усмон Ҳақназаров эканини тақдор таъкидлаб айтишга эҳтиёж сезди?

Бу саволга Муҳаммад Солиҳ 3 октябрда ўтказган матбуот конференциясида ўқилган пресс релиздаги шу жумлалар жавоб бўлиши мумкин:

“Биз унинг (Бобомуроднинг – И.Х.) узоқ муддатга қамоққа ташланишидан кўрқмаймиз. Биз унинг ҳаётини хавотирдамиз. Биз Бобомурод Абдуллаевнинг ҳаёти худди Абдували Мирзаев, Абдулла Ўтаев, демократ-муҳолифатчи Шовруқ Рўзимуродов, ёзувчи Эмин Усмон ва режим ҳамда МХХнинг бошқа муҳолифлари ҳаёти каби яқун топишидан хавотирдамиз. Биласиз, бу арбобларнинг ҳаммаси режим томонидан ўлдирилган эди”.

Муҳаммад Солиҳни бундай хавотирга туширган нарса нима эди?

Уни хавотирга туширган нарса 2017 йил 29 сентябр куни Озодлик радиоси берган мана шу ахборот эди:

“Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг исми айтилишини истамаган зобити “Озодлик” радиоси муҳбирига, конунга биноан, қўлга олинган шахснинг яқинларига бу ҳақда ўша кунгача маълум қилиниши кераклигини эслатди. «Аммо оператив операция самарадорлиги юзасидан баъзи

ҳолларда қўлга олиш жараёни сир тутилади. Абдуллаев масаласида МХХ талаби билан унинг оиласига хабар берилмади», деди.

М у л о з и м н и н г айтишича, Юнусобод туманида юз берган ўғирлик жиноятида Абдуллаев гумон қилинувчи сифатида кўрилмоқда”.

Ҳа, худди шундай: 2017 йил 27 сентябр куни қўлга олинган журналист Бобомурод Абдуллаев “ўғирлик жинояти” билан қўлга олинди, деб эълон қилиниши керак эди!...

Аммо 28 сентябрда матбуотда журналист Б. Абдуллаев ўғирлаб кетилгани ҳақда хабар пайдо бўлгандан кейин МХХ нинг Бобомуродни “оддий бир ўғри” деб қамоққа ташлаб, у ерда йўқ қилиш режаси бузилди.

Ва МХХ Бобомуроднинг “давлат тўнтаришга уринган ва бу йўлда режимга қарши мақолалар ёзган Усмон Ҳақназар деб ҳукм чиқаришга мажбур бўлди.

Матбуотнинг ва жамоатчилик фикрининг кучи Бобомурод воқеасида яққол кўринди. Агар жамоатчилик ва матбуот жим турса эди, Бобомурод Абдулланинг асл кимлиги айтилмаса эди, МХХ ҳам уни Усмон Ҳақназар эмас, “оддий бир ўғри” сифатида қамоққа ташлаган бўларди. Ва бироз вақт ўтгач жимгина, Эмин Усмонни ўлдиргани каби, Шовруқ Рўзимуродни ўлдиргани каби “жимгина” ўлдириб юборган бўларди.

Ана шу сабаб, Муҳаммад Солиҳ Истанбулда махсус пресс конференция чақириб, 27 сентябрда ўғирлаб кетилган журналистнинг бир “кичик ўғри” эмас, балки Каримов режимини йиллар давомида титратган қалам эгаси

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Усмон Ҳақназаров экани ҳақда баралла ҳайқирди.

Муҳаммад Солиҳ бу ҳақда фейсбукдаги саҳифасида шу жумлаларни ёзди: “Баъзи фаҳмсиз ёки тубан ниятли кимсалар “М. Солиҳ Бобомурод Абдуллани “Ҳақназаров” эълон қилиб, уни сотди”, дея каминага лой чапламоқдалар.

Аслида, Бобомуродни “Ҳақназаров” деб эълон қилмасайдим, уни ҳақиқатан сотган бўлардим.

Ва бу билан унга қарши “оддий бир ўғри” (илк кун шундай эълон қилишди), бир “кўча безориси” дея ҳукм чиқариб, дейлик 1 йилга қамашларига ва қамокда уйдирма бир “жанжал”да ўлдиришларига ёрдам этган бўлардим.

Мен унинг оддий бир спорт мухбири эмас, баҳайбат коррупция машинасига ва давлат террорига қарши кураш тарихдаги муҳим бир фигура эканини жамоатчиликка вақтида етказолмаганимда мен ўзимни ҳеч қачон кечирмасдим”....

(<https://www.facebook.com/muhammadsolihs98/>)

posts/1529893260425554)

Энди Усмон Ҳақназаровнинг “Наталя Кочубей” бўлиши мумкинлиги ҳақдаги эртаққа келсак. Бу эртақни биринчи марта МХХ нинг собик зобити Икром Ёкубов интернетда тарқатган эди. Бу “манба”нинг нақадар “эйтиборли” эканини бутун фейсбук қўлланувчилари билади. Биз ҳам мақоламизда бу шахсга “эйтибор” қилмадик.

Ҳурмат билан,
Ислом Холбой,

Манба: dunyouzbeklari.com



Мирзиёевнинг кадри Сурхон ҳокимининг яланғоч портрети

Ассалому алайкум Ҳурматли Исмат ака!

Мен Сизни жуда ҳурмат қиламан, буни ўзингиз ҳам, бутун дунё ўзбеклари ҳам яхши билишади. Лекин айни пайтда Сурхондарё вилоят ҳокимини яхши билмас экансиз десам, мендан ранжиманг, илтимос.

Мен Турдимов Эркин Оқбўтаевични жуда яқиндан билганлигим учун бу киши ҳақида беъмалол ўз фикрларимни айта оламан деб ўйлайман.

1. Эркин Турдимов учун энг биринчи ўринда турадиган нарса пул ва бойлик!

2. Иккинчи ўринда эса ўз мансабини сақлаб қолиш учун ҳар қандай гуруҳ ёки кимса билан иттифоқ туза олади.

3. Ҳар қандай тузумга яшин тезлигида мослаша олади.

4. Жуда ҳам тезликда ишончга кира олади,ўта хуфиёна иш

олиб боради ва сиз бўлаётган ноҳақликлар айнан шу киши тарафидан ва кўрсатмалари билан содир этилаётганлигини тасаввур ҳам қила олмайсиз,ва албатта кейин билиб қолган пайтингиз кеч бўлган бўлади.

келинди дейилган станоклар ҳам ва 2003 йил июн ойидаги йиғилишди Россия темир йўлида Қозоғистон билан чегарада турибди деган асбоб учкунлар ҳам Лангарга токи бугунги кунларгача ҳам етиб келгани эмас.

Айтилган сумма пул унинг чўнтагига тушса бўлди, ҳар қандай инсонни йўқ қила олади ва албатта ўша ташкилот ҳам таг туғи билан йўқ қилинади. Ишботига эса видеоматериаллар ва хужжатлар керагидан ортик. Қилмишларидан эса диверсантлар армиясидан эканлигини билаверасиз!

Агар Турдимов Эркин Оқбўтаевичнинг менинг ёзганларимга эътироз бўлса судлашаверамиз одил судда. Аммо фактлар жуда ҳам ўжар ва ручка билан ёзганларини болта билан ўйиб йўқота олмайдилар.

Видеоматериалларни ҳеч ким билмасин деб 2003 йил Лангарнинг мажлисидан кейин Рахимов Бўрибой акадан 500 АҚШ долларига сотиб олган эканлар ва менга ишботингиз борми шу гапларга деганида менга етказилган нухасини шахсан ўзларининг қўлларига бериб мана томошо қилинг ишботларни ҳоким бобо деган вақтим ўчган эдилар ва ҳамон ўша жиноятчилар билан бир қозонда эканликларини тан олгандилар...

Мамаёқуб Ҳамроев
Манба: Дунё ўзбеклари

5. Биргаликда разведкага мутлоқ бориб бўлмайди. Фақат тинчлик замонларидагина ўша давлат хизматида бўлади. Четдан душман бостириб келган сониядан бошлаб уларнинг хизматида жавлон уради. Агарда пулини тўлаб қўйишса бостириб келишлари ҳам шарт эмас, ўша давлат ёки мафиянинг хизматида бўлиб олган маблағини оқлайди ва буюрилган топшириқларни сўзсиз ва аъло даражада бажара олади.

Ушбу характеристикани мен минг фоиз фактлар ва хужжатлар асосида ишботлаб берганман ва юзма-юз учрашсам ҳам бўйнига қўя оламан. Лангарни талон тарож қилинишида Москвалик бой Қодиржон Ботиров Лангар ОАЖни сотиб олган деб мажлисларда доим айтиб келган, ваҳоланки ўша ваъда қилинган 229 минг АҚШ доллари ҳам, 124 минг АҚШ долларига олиб

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Ичимлик суви учун тўловларнинг олдиндан тўланиши интернет фойдаланувчиларининг норозилигига сабаб бўлган. Хабар остига изоҳ қолдирган ўзбекистонликлар ушбу чора халқни ўйлаб қилинмаганини билдиришди.

Президент Мирзиёевнинг фармонида кўра, 2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда сув таъминоти 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолатда истеъмолчининг сув таъминоти



Ичимлик суви учун тўловларнинг олдиндан тўланиши норозиликларга сабаб бўлди

узиб қўйилади.

Қайта уламоқчи бўлган истеъмолчилар таъминот гуруҳидан келиб чиқиб қарийб 300 минг сўм (37 доллар) дан 1,5 миллион сўм (185 доллар)гача жарима тўлашига тўғри келади. Фикр билдирувчиларни тўловдаги номутаносиблик ажаблантирган.

“Ундай бўлса аввал иш ҳақини ҳам 100 % олдиндан тўлайдиган қилиш керакмасмикан?!”, дейди Хикмат Зиядуллаев.

Умиджон Шукуров Ўзбекистон бошқа махсулотларнинг ҳам нархи ошаётганини, бироқ маош кўтарилмаётганини айтади.

“Худога шукур олдиндан ҳамма тўловни қиламиз. Аммо ойликни кўтариш масаласини ким ҳал қилади. Доллар, бензин, цемент, шакар. Ҳаммаси кўтарилмоқда. Праваниям алмаштириш мажбурий пулга, суғурта, ишончнома, ҳаммаси пул, ойликдан дарак йўқ кўтарилишга. Ким буларга жавоб беради? Қарс деган товуш икки қўлдан чиқиши керак. Сал инсофли бўлинглар”.

Айримлар жамиятда ислохотлар олиб борапти, деб янги ҳукуматни мақтаганлар қаерга йўқолиб қолди, деб киноя қилган.

“Одамларга қандай қилиб яшашни маслаҳат берасиз? Арзимас чақага эртаю кеч ишлаётган халққа ичингиз ачимайдими? Ҳамма нарсанинг нархини оширишмоқда. Нимага одамларнинг маошини ҳам мана шундай суъратда кўтаришмаяпти, имтиёз беришмаяпти, нафақа

беришмаяпти? Одамлар қандай яшасин?”, дейди Nadira Masharipova.

Миллий бойликлар қаерга кетаяпти?

Farruh Samadov халқдан тушаётган солиқлар ва миллий бойликлар нима учун халқнинг фаровонлиги учун хизмат қилмаётганини сўрайди.

“Энг муҳими давлат бой булсин. Халқ давлат учун 2-чи сортдаги одамлар. Қаерга кетябди шунча пуллар? Даромад солиғи, Ер солиғи, мулк солиғи, жарима пуллари, табиий ресурслар: газ, уран, руда (экспорт). Транспорт соҳасидан тушадиган даромадларчи?(УзАвтоСаноат). Ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни экспорт нархидан ўзимизга 1,5 баробар қиммат сотишади. Ўзини халқини устидан кулиш дегани эмасми бу? Ойликлар вақтида берилмаса, қандай қилиб, оддий одам олдиндан ҳақ тўлаши мумкин?”, дейди у.

Umida Vovanova сувга олдиндан пул ундиришни айрим ташкилотларда бошланганини айтади.

“Октябрни ойлигини ҳали олмадик. Тўлов учун лекин олдиндан сувга қўл қўйиб бердик”.

“Емаган сомсага қандай қилиб пул тўлаш мумкин? Қизик-ку бу ёғи. Бир йўла терисини шилинглари одамларни” дея одамларнинг чорасизлигини изҳор қилган Нелли Абдуллаева.

Фикр қолдирувчиларнинг бир қисми Ўзбекистонда сув таъминоти

қоникарли эмаслигини, ҳукумат пул ундириш билан бирга хизматни ҳам жойига қўйиши кераклигига эътибор қаратган.

“Сув пулини олдиндан ундириш ўрнига бу ёғини қойилмақом қилиб қўйинглари. Олдин Юнусобода 13-қарталда авария деб тўрт кун отопления ва иссиқ сув бўлгани йўқ. Кеча отопления беришди. Батарейани ушласанг совуқ, ундан кўра ушлаб кўрган қўлимни исиги яхшироқ. Иссиқ сувни бир соат очиб қўйдим иссиқ бўлгани йўқ. Иссиқ сув 1 ойдан бери шу аҳвол яна сизлар олдиндан пул ундиришни хоҳлаяпсизлар. Бу ёғига нима дейсилар?”, дейди Каромат Бакиев.

“Агар сув бекаму кўст берилса олдиндан тўлашга халқ рози бўлади. Лекин сифатли хизматка сифатли ҳақ тўланади. Сув таъминоти 1% ҳам эмас, насос бузилса халқ пул йиғиб таъмирлайди. Ҳокимият ёки сув хўжалигидаглар ҳатто хорманглари ҳам демайди”, деб ёзади Dadabek Abdurahmonov.

Кимдир бундай тартибга рози бўлишдан бошқа чораси йўқлигини ёзган бўлса, яна кимдир Ўзбекистондан чиқиб кетишлик бу каби муаммоларга ечим бўлиши мумкинлигини айтган.

Шухрат Хамидуллаев бу нарса янгилик эмаслигини ёзган.

“Салонгайм пул тўлаб қўйиб шахсий мошинангизни ойлаб кутасиз-ку шунга ўхшаган нарсада бу ҳам. Фақат энди бу ишларнинг қўламини кўнгалтиришяпти”.

ЎХХ хабарлар бўлими

*“Халқни уйғотишимиз керак,
етар энди бундоқ яшаи”.*
Ш. М. Мирзиёев

Мени қўлимга қоғоз олишга юртимда адолат шабадаси эсгани туртки бўлди. Ва юрагим тубида анчадан бери ётган муждани Президент Ш. Мирзиёевга Би-би-си орқали етказишга жазм этдим.

Ҳеч кимга сир эмаски, Президентнинг шахсий ташаббуси ила халқ бир неча йил узоқ кутган кунлар келди, кўшни давлатлар билан борди-келди, ёру биродарлигимиз қайта тикланди.

Халқлар ўртасидаги сунъий совуқчиликларга барҳам берилиб, муносабатлар илий бошлади.

Бу сай-ҳаракатларнинг ижобий ифодаларини биз, Россиядаги меҳнат муҳожирлари, қардош миллатлар юзида кўрмоқдамиз.

Лекин вилоят, шаҳар, қишлоқ, ҳатто маҳаллаларда ижтимоий, иқтисодий муаммолар хануз ечилмаяпти. Аҳолининг Президент порталига шикоятлари оқими тўхтамаяпти...

Айниқса, маҳаллий суд, прокуратура, МХХ ва милиция устидан...

Бу нимадан далолат беради?

Президент девонида, порталида бор адолат жойларда йўқ деганими?

Жойларда адолатнинг ўрнини назорат эгаллаган.

Маҳаллаларда “халқ посбони” деб номлаб, маош белгилаб,

Адолат фақат порталдами?

сайлаб қўйилган дружиначилар шу кунгача нима каромат кўрсатиб келаётганидан кимнинг хабари бор?

“Халқ посбон”ларининг халққа нафи тегиши керакми ўзи?

Ёки ким чиқиндига, газ, сув, умуман, коммунал тўловларга пул бермаган хонадон бўлса, эшикма-эшик юрадиган ғазначими улар?

Аҳолининг қарзини ундирадиганлар кўпайгандан-кўпайди, аммо одамларнинг реал даромадлари тушиб кетгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Нархлар эса, бирдек ошмоқда.

Ҳурматли Президент!

Сиз олиб бораётган халқчил сиёсатни биз, Ўзбекистон ватандошлари ўзимизнинг ютуғимиз, деб биламиз.

Биз сиз бошлаган ва халқ учун кўзланган юксалиш йўлида ҳамфикр ва ҳамнафасмиз.

Халқнинг ҳуқуқий саводи ҳақида кўп гапирилади.

Кўпинча ҳуқуқ бузилишларига одамларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари ваз қилиб кўрсатилади.

Аммо халққа ҳуқуқлари берилмаган экан, у ҳуқуқий саводни қаердан олсин?

Шу ўринда оддий бир ўзбекистонлик сифатида қуйидаги

таклифимни баён этсам.

Модомики, ҳукумат халқ ғамида, халққа хизмат этишга бел боғлаган экан, ишсиз, юридик ўқуви бўлган фуқароларни ҳар бир М.Ф.Й (маҳалла) га маош белгилаган ҳолда, бириктирилса.

Улар ўз навбатида аҳолининг шикоятларини эшитиб, уни маҳаллий ҳокимиятлар даражасида тегишли давлат идора ва тизимлари эътиборига ҳавола этсалар ва уларнинг ижроси устидан жамоатчилик назорати ўрнатилса.

Шу йўл билан эҳтимол, порталга шикоятлар оқими камайган, одамлар адолат кутиб, Президент порталига маҳтал бўлмаган, муаммолар жойида ҳал этилган бўлармиди?

Сизнинг участка нозирлари учун маҳаллада уй куриб бериш ташаббусингиздан яхши хабардорман.

Бу профилактика мақсадлари, жиноятчиликнинг олдини олиш йўлида иш беради, деб ўйлайман.

Аммо жиноятчилик, бу – оқибат.

Участка нозирларига кўшимча, кўшимча, ҳуқуқий маслаҳатчилар ҳам маҳаллаларга бириктирилса, жиноятчиликнинг сабабларига ҳам барҳам берилган бўларди.

*Ҳурмат билан,
Москва шаҳридаги меҳнат
муҳожир*

**Аббос Тожимухаммад ўғли.
Манба: Би-би-си Ўзбек**

Ўзбекистон БМТ Бош ассамблеясида Қрим бўйича резолюция лойиҳасига қарши овоз берди

“Озодик” радиосининг хабар беришича, БМТ Бош ассамблеясининг ижтимоий, гуманитар ва маданий масалалар бўйича кўмитаси Қрим ярим оролида инсон ҳуқуқларига оид вазият юзасидан Украина тайёрлаган резолюция лойиҳасини қабул қилган.

Ҳужжатда Россиядан Қримда инсон ҳуқуқларини топташни зудлик билан тўхтатиш талаб қилинган.

Резолюция лойиҳасини қўллаб 71 давлат, унга қарши 25 давлат овоз берди. 77 давлат эса, холис қолди.

Резолюцияга қарши чиққан Россия, Хитой, Беларусь, Сербия, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқалар қаторида Ўзбекистон ҳам бор.

Қрим ярим оролида инсон ҳуқуқларига оид вазият юзасидан Украина тайёрлаган резолюция лойиҳасида “Қрим татар халқи мажлиси” ташкилотини тақиқлаш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш, ярим оролда украин ва қримтатар тилларида таълим олиш имкониятини қайта тиклаш талаблари бор.

Ўзбекистон 2016 йилнинг ноябрида ҳам БМТ Бош

Ассамблеяси 3-қўмитасида Қримдаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни қораловчи ҳамда Россияни ярим оролга халқаро кузатувчиларни киритишга чақирувчи резолюцияга қарши овоз берган эди.

2014 йилнинг мартада эса, Россиянинг Қримни аннексия қилганини қоралаган резолюцини 100 мамлакат қўллаб-қувватлаган, 11 мамлакат унга қарши овоз берган ва 58 мамлакат, жумладан Ўзбекистон бетараф қолган эди.

УХХ хабарлар бўлими



“Давлатга хиёнат қилиш” каби сохта айбловлар билан ҳукм қилинган 64/71-сонли Жаслиқ колонясининг маҳбуслари

Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ химоячилари ташаббускор гуруҳига Ўзбекистон республикаси Жиноят Кодексининг 157-моддаси билан маҳкаммага тортилган, Жаслиқ посёлкасидаги КИН 64/71 қамокхонасида сақланаётган, у ерда қийноқлар остида айбга иқрор бўлишга зўрланган, тергов ва суд жараёнларига адвокатлари киритилмаган судланувчиларнинг қариндошлари мурожаат қилди. Суд маҳкамаси ёпиқ эшиклар ортида ўтди. Судланувчилар ва маҳкумларнинг қариндошларига таҳдид қилиниб, ҳуқуқни химоя қилувчи органларга, журналист ва ҳуқуқ химоячиларига мурожаат қилмаслик таъкидланган.

Жиноят Кодексининг 157-моддаси билан “Давлатга хиёнат қилиш”да суд қилиниб, жазони УЯ 64/71 Жаслиқ қамокхонасида ўтаётганлар рўйхати. Уларнинг жиноят ишлари уйдирилган ва сохталаштирилган.

1.Каримов Хасан Шокирович. 1976 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати собиқ капитани. 2012 йилда 14 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2010 йилда МХХдан ишдан бўшагач, иш излаб бир-икки марта Тошкентдаги АҚШ ва Исроил элчиликларида кирган. У АҚШ фойдасига жосуликда айбланган. Тошкент шаҳри Сергили тумани 8-“А” квартал, 9-бино, 6-уйда яшайди.

2.Тўхтаев Равуп Ахмадович.

1984 йилда туғилган. Бекобод шаҳридан собиқ милиция сержанти. “Жасорат” ордени билан тақдирланган. 2014 йилнинг 13 октябр куни МХХ ходимлари томонидан хибсга олинган. Сохталаштирилган иш билан 16 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Тергов вақтида айбга иқрор қилиниш мақсадида шафқатсиз қийноқларга тутилган. Суд жараёнида айби исбот қилинмаган. Тўхтаевни Тожикистон фойдасига жосулик қилганликда айблаган.

3.Хасанов Чориқул Абдураимович. 1960 йилда туғилган, асли Тожикистонлик бўлиб, 24 йил Термиз шаҳридаги 33015-ҳарбий қисмда хизмат қилган, озиқ-овқат хизмати прапоршиги бўлган ва Термиз шаҳрида хизмат квартирасида яшаган. Сурхондарё вилояти МХХ бошқармасининг собиқ терговчиси майор Орзиев Бахтиёр 2009 йилда Хасановга нисбатан сохта жиноят иши очиб, натижада у ноқонуний тарзда 17 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Шундан сўнг Хасановнинг хотини ва 4 нафар фарзанди хизмат уйдан хайдаб чиқарилган ва кейинчалик уй сотиб юборилган. Ҳозирда Хасановнинг хотини – Холматова Гулсара Курбоновна ўз болалари билан Тожикистон Республикасининг Хатлон вилояти Шухратуз туманидаги Айвоч қишлоғида яшашмоқда. Хасанов Ч.А. ни Тожикистон фойдасига жосулик қилганликда айблаган. У Ўзбекистон фуқароси эди, армияда хизмат қилган ва ҳеч қандай давлат

сирларига эга бўлмаган.

4.Султонов Бахтиёр Чориевич. 1965 йилда туғилган. Сурхондарё вилояти Денов туман ИИБнинг собиқ милиция майори Жиноят Кодексининг 157-моддаси билан суд қилиниб, 20 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2012 йилда Султонов Б.Ч. Сурхондарё вилояти Узун туманидан бўлган Ўзбекистон фуқароси орқали гўёки Тожикистон махсус хизматларига маълумот етказганликда айбланган.

5.Икромов Иззатулло. Ўз вақтида Душанбе педагогика институтида ўқиган. 40 йил Узун туманидаги ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлашган, кейинчалик нафақага чиқиб, маҳалла кўмитаси раиси бўлиб ишлаган. Икромов 2012 йилда Жиноят Кодексининг 157-моддаси билан суд томонидан 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Ҳозирда у ҳам Жаслиқда жазо муддатини ўтамоқда.

Сурхондарё вилояти МХХ бошқармасининг собиқ терговчиси майор Орзиев Бахтиёр ва МХХ бошқармасининг бошқа ходимлари майор Султонов Б. Ва ўқитувчи Икромов И.ни қийноқлар ва калтаклаш билан бир-бирларига туҳмат қилишга ва қарши кўрсатма беришга мажбурлашган. Маълумот учун: Сурхондарё вилояти МХХ бошқармасининг собиқ терговчиси майор Орзиев Бахтиёр 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва ҳозирда Бекобод шаҳридаги УЯ 64/21 қамокхонасида жазони ўтамоқда.

6.Очилдиев Алишер Нормуродович. 1972 йилда туғилган. Ленинград вилоятидаги Можайск Космик Институтида ўқиган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий разведкаси подполковниги Жиноят Кодексининг 157-моддаси 1-қисми билан маҳкаммага тортилиб, 2007 йилда 20 йилга озодликдан маҳрум қилинган, унинг иши 100 фоиз сохталаштирилган.

Беш нафар судланганларнинг барчаси, яъни Каримов Х.Ш., Тўхтаев Р.А., прапоршик Хасанов Ч.А., майор Султонов Б.Ч. ва Мудофаа вазирлигининг подполковниги Очилдиев А.Н. лар рус тилини мукамал билишлари ва бу тилда эркин фикрлай олганликлари, демократик ва адолатли ҳаёт кечириганликлари ва ғарбона кайфиятда бўлганликлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

учун ноқонуний равишда суд қилинганлар.

7.Қорабоев Окбўта. Хужжат бўйича 1947 йилда, аслида эса 1943 йилда туғилган. 50 йилдан ортиқ Жиззах вилоятининг Бахмал тумани тоғларида чўпонлик қилган, 3-синфгача ўқиган. Қорабоев 2010 йилда Бахмал тумани ИИБ раҳбари ўринбосарининг ва МХХнинг буйруғи билан тоғлар орқали Тожикистонга ўтиб кетган 150 дона қўйни қайтарган, шунинг учун уни Жиноят Кодексининг 157 моддаси билан айб қўйиб, 2011 йилда 13 йилга озодликдан маҳрум қилишган.

Оддий бир чўпон қандайдир давлат сирларига эга бўлиши мумкинми, чўпонга қарши кўзгатилган жиноят ишининг ёлгон ва сохта ҳарактерга эга эканлигини шундан ҳам кўриш мумкин. Мана 6 йилдан ортиқ вақт мобайнида чўпон Қорабоев О. ва ўқитувчи Икромов И.лар Жаслик қамокхонаси деворлари ортида кийналмоқдалар, ваҳоланки уларнинг ёшлари 70

дан ўтди ва доимо касаллар.

Санаб ўтилганларнинг барчаси Олий судда, Бош Прокуратурасида, МХХнинг махсус бюроси ва барча ҳуқуқ ҳимоячилари олдида ўзларининг айбсиз эканликларини исботлай оладилар. Айнан МХХ уларнинг айбсиз эканликларини била туриб сохталаштирилган жиноят ишлари очди (ЖКнинг 230-моддаси “Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш”), уйнан улар шафқатсиз ва адолатсиз қарор қабул қилишлари учун судьяларга босим ўтказишди (ЖКнинг 231-моддаси “Адолатсиз ҳукм, қарор ва ажримлар қабул қилиш”), шунингдек МХХ ходимлари қўлга олинганлар, ҳибсга олинганлар ва маҳкум қилинганларга нисбатан қийноқлар қўллашда айбдордирлар (ЖКнинг 235 – моддаси “Қийноқлар қўллаш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи жазолар қўллаш ёки муомала қилиш”).

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон МХХнинг хатти-ҳаракатлари ноқонуний ва юридик кучга эга

эмас, чунки ҳужжатлар тўплами тасдиқлаш учун 2001 йилда Олий Мажлисга (Парламентга) юборилган “Ўзбекистон республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳақида”ги Қонуни шу кунга қадар қабул қилинмаган. Қонун қабул қилинишига Ўзбекистоннинг собиқ президенти Ислон Каримов ва МХХ маъмурияти тўсқинлик қилган. “Ўзбекистон республикаси ички ишлари ҳақида”ги Қонун эса И.Каримов ўлиmidан сўнг қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг ислохотларига қарши саботаж қилиб келмоқда. МХХ ва ҳукумат ўртасидаги зиддиятлар ривож ва натижасини вақт кўрсатади...

24.11.2017 г

Сурат Икромов

Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббускор гуруҳи раиси

E-mail: surat.i@rambler.ru, suratikromov@gmail.com

Ўзбекистон МБ илк бор мамлакатнинг олтин-валюта захиралари ҳажмини маълум қилди.

Ўзбекистон олтин-валюта захираси куз бошидан буён 750 миллион долларга ошиб, 1 ноябрда 26 млрд долларга етди. Бу ҳақда чоршанба кuni бўлиб ўтган Халқаро пресс-клуб мажлисида Марказий Банк раисининг биринчи ўринбосари Тимур Ишметов маълум қилди.

«Одатда биз бу маълумотни эълон қилмаймиз, у конфиденциал ҳисобланади. Яқинда давлат раҳбарининг қарори қабул қилиниб, унда қатор иқтисодий маълумотлар „синфсизлантирилиб“, уларни очиқ қилишга қарор қилинди. 1 январдан бошлаб ҳар бир маҳкама, жумладан Марказий банк олтин-валюта захиралари, пул ҳажми кўрсаткичлари ва барча иқтисодий кўрсаткичларни расман эълон қилади. Ва мана, бугун биз биринчи марта расман олтин-валюта захирасини эълон қилмоқдамиз», – деди у.

«Ижодий натижа — биз давлат, Марказий банк томонидан валюта



Марказий Банк олтин-валюта захиралари ўсиши тўғрисида маълум қилди

ресурслари таъсирсиз бошланғич даврни босиб ўтдик», — дея қайд этди МБ раҳбарияти вакили.

Тимур Ишметов валюта сиёсатини либераллаштиришга тайёргарлик кўриш доирасида айрим иқтисодчиларнинг мамлакатда захиралар етарлими, деган саволни ўртага ташлаганини таъкидлаб ўтди. «Биз ўтган йиллар давомида жамғарилган олтин-валюта захираларини сарфлашни мўлжаллаётганимизни тушунтиришга ҳаракат қилдик... Биз курс бозор тамойилларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши, бу эса биз

курсни қайсидир даражада ушлаб туриш ёки ҳимоялаш учун босим ўтказмаслигимиз кераклигини эълон қилдик», — деди у.

Сентябрь ойи бошида эркин конвертацияланувчи валюта жорий этилганидан сўнг валюта биржаларида хорижий валюта сотиш ҳажми ортди, деди МБ раисининг биринчи ўринбосари. Икки ярим ойдан зиёдроқ вақт мобайнида Марказий банк 325 млн доллар ҳажмидаги мазкур фарқни сотиб олди, деди у.

Сентябрь ойи бошидан буён банклар 1,55 млрд доллар миқдоридаги хорижий валютани сотиб олган бўлиб, ушбу маблағнинг 644 млн доллари жисмоний шахслардан айрибошлаш шохобчалари, 915 млн доллари эса экспортёрлардан харид қилинган (авваллари экспортёрлар ҳар ойда ўртача 172 млн долларни валюта тушумини мажбурий сотиш доирасида банкларга топширган). Кўрсатиб ўтилган давр мобайнида валюта биржалари орқали юридик шахсларга 1,766 млн доллар сотилган.

Манба: gazeta.uz

Ўзбек
миллатининг
фожеаси
(биринчи мақола)

Ўзбек миллатининг фожеаси хақида ёзаман деб ФБдаги дўстларимга ваъда берганимдан сўнг, бир неча кун Тошкентда бўлдим. Афсус, Тошкентда илҳом париси ёнимга йўламади.

Ўзбек миллати фожеаси деганда, бу



ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ФОЖЕАСИ

Ўзбек халқи назарда тутилаётгани йўқ. Ўзбекистон худудида истиқомат қилувчи, ўзбек тилида сўзлашувчи барча аҳоли назарда тутиляпти. Ўзбек халқи тарихан байналминалчи халқ, унинг худудида минг йиллардан буён турли халқлар истиқомат қилади. Албатта, ўзбек халқининг байналминал фазилати Иккинчи Жаҳон уруши даврида яққол намоён бўлди.

Хуллас, бугунги фожеа хақида гапирётган гапим барча ўзбекистонликларга тегишли. Бу фожеага алоқаси бўлмаган, фожеа келиб чиқишига сабаб бўлган бундай иллатнинг келиб чиқиши, амалда бўлишига алоқаси бўлмаган шахслар орамизда кўп. Тўғрироғи, амалдорлар орасида камроқ, халқ орасида эса кўп.

Асосий гапга ўтишдан олдин ҳаётини бир мисолни айтиб берсам.

Отам раҳматлининг укаҳони, ерда ҳаракатлининг юрадиган транспорт воситалари бўйича кучли мутахассис Толик ака (устанинг отаси ўзбек, онаси рус) нинг автосервисида ўтган йили куз кунларининг бирида ўтирибмиз. Ўша кун осмонда булут бўлса-да, кун очик, аммо совуқроқ эди.

Мотори товуши тариллаб турган бир «Нексия» келиб тўхтади. Машинанинг ичида ҳайдовчининг оила аъзолари – турмуш ўртоғи ва иккита ёш 10, 7 ёшдаги фарзандлари бор экан. Ҳайдовчи автосервисга киришдан олдин оила аъзоларини кўчада қолдирди.

Автомашинанинг товуш пасайтиргич най(глушитель) и тешилганидан, мотор товуши карнай каби кучли овоз берарди. Машина ичкарига кириб бўлгач, ундан ҳайдовчи тушди ва устага юзланди:

–Уста бува (қашқадарёда хурмат маъносида гапириш), машинани товуш пасайтиргич найини тузата оласизми?

–Тузатишга тузатамиз-у, автоген қилиш учун карбид йўқ-да – деди, уста Толик ҳафсаласизлик билан.

Ҳайдовчининг феъли айниб, орқага қайтмоқчи бўлаётганди, орага тушдим.

–Карбидни мен олиб келаман, уста ёрдам қилиб юборди,- дедим йўловчига ва устага секингина «эрталабки ризқдан бош тортманг»- дедим-у, ташқарида турган машинамга томон йўналдим.

Хўжалик моллари дўконига бориб икки килограмм карбид олиб, устахонага келсам, автомашина ўра устига қўйилган экан. Уста карбидни темир хумга солиб бироз ўтиб чайқагач ишга киришди.

Зум ўтмай иш яқунланди. Автомашина эгаси маркабни ўт олдириб газни босиб кўрди. Бинойи. Ҳайдовчи унга тикилиб турганимни кўриб, хурсандлигини билдириш учун тиржайиб менга кўз қисиб қўйди. Ҳайдовчи мени ҳам сервисга келган мижоз деб ўйлади, нега кўз қисганини кейин тушундим.

–Неча пул бўлади уста? –сўради ҳайдовчи.

–Ўттиз минг,-деди уста Толик.

–Э, қиммат айтдингиз, уста, ўн минг берай.

–Ёриғи катта экан, бундан ташқари бошқа жойларини ҳам тўғриладим, мен ёмон нарх айтмадим.

–Уста, Самарақанд кетяпман, мана сизга ўн беш минг, чўнтагимда беш юз сўмим қолди, рози бўлинг.

Уста ҳайдовчининг узок сафарга кетаётганлигини эшитиб, индамай пулни олди ва бошқа гапирмади. Ҳайдовчи хурсанд бўлганча

сервисни тарк этди. Унинг менга кўз қисганлиги «уста айтган нархнинг ярмини бериб уни бошламан, мени кузат», -дегани экан. Бўлмаса, Қашқадарёдан Самарқандга кетаётган киши чўнтагида 500 сўм билан борадими?

Бу машина кетатуриб орқасидан яна бир «Нексия» автомашинаси, айни

шундай ҳолатда дўриллаб кириб келди. Машина ҳайдовчиси кўшни Деҳқонобод туманилик тожик йигит бўлиб, қирақаш шекилли, салонда икки ёки уч кишиси ҳам бор эди.

Уста бунинг ишини ҳам рисоладагидек бажариб берди.

–Неча пул бўлади, уста? –сўради ҳайдовчи.

Бу пайтда устахонада одам кўпая бошлади, бир 20-25 ёшлардаги йигит «ГАЗ-24» автомашинасининг қоробқасини кўтариб келди. Яна икки йигит кириб келди.

Ҳайдовчининг берган саволига жавоб бераётган уста одамлар олдида тортишишини истамади, шекилли, дарров жавоб берди:

–Ўн беш минг берсангиз бўлади.

–Ўн беш минг пулим йўқ, уста бува, беш минг берай.

–Беш минг? Ким сизга бундай ишни беш минг сўмга қилади?

Масофа бироз узок бўлгани туфайли улар ўртасидаги ўзаро савдоми ёки тортишувми (нима деб аташнинг билмайсан киши) яна бир неча дақиқа давом этди. Ахийри ҳайдовчи «уста мана сизга етти минг, шуни олиб турунг, уч минг сўмни эртага бериб кетаман» дегач гап тугади.

Устанинг кайфияти бузилгани кўриниб турарди. Ўттиз минг демай ўн беш минг деганди, одамлар унинг белидан ҳам паст баҳони бериб кетишди. Лагифанамо гап эшитувдим. Бир кишининг миллион долларлик автомашинаси бузилиб юрмай қопти. Энг зўр устахонага олиб бориб зўр усталарга кўрсатибди, машина ўт олмабди. Мулкдор «ким шуни тузатса юз минг доллар бераман» дебди. Шаҳарнинг турли бурчакларидан усталар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

келиб машинани тузатишолмапти. Ахийри, бир кишлоклик уста келибди. Кишлоқлик уста машинани обдон кўриб чиқиб, кейин сумкасида бир болға олиб унинг бир жойини мўлжаллаб битта урган экан машина тузалибди. Бу ҳолатни кўриб турган бошқа усталар ҳам, мулкдор ҳам «битта болға уришга юз минг доллар кўплик қилади», - дея маҳоратли устага ваъда қилинган пулни беришмабди.

Уста Толик соддалик қилди-да, ўз пулини олиш учун бирон соат автомашинанинг у ёқ, бу ёғини чуқулаб туриш керак эди. Ишни тез бажаргани учун қилган меҳнати арзон кўриняпти.

Самарқандда бир жанозада қатнашганман. Ўшанда биз майитни елкалаб олиб борганимизда, қабрни қазган уч-тўрт гўрков йигитлардан бири устидаги тупроқларни қокмоқчи бўлди, аммо, уни ёнидаги шериги секингина туртиб қайтарди. Уларнинг ёнида турганим учун сезиб қолдим ва тупроқни қоқишдан қайтарган йигитнинг уст-бошига разм солдим. Кун иссиқ бўлгани туфайли у йигитнинг бошида рўмоли орқага тарнов қилиб боғланган, йигитнинг бошидан бутун танаси ва елкалари узра қабр тупроғи атайин сепилгандек жойлаштириб чиқилган. Психологик вазиятни қаранг, ҳамма қариндош-уруғ, таниш билиш чуқур қайғуда, улар ўз кадронларини сўнгги манзилга кузатаёптилар, гўрковлар эса «машаққат чекиб, ҳамма томони чанг, тупроқ бўлиб, роса меҳнат қилишиб, майитга қабр қазизибди, уларнинг меҳнати ҳалол, неча пул десаям олсинлар!». Уста Толик қилган меҳнатини бировларга кўрсатишни билмайди ёки ҳамма вақт ҳам истамайди. Гоҳ-гоҳида, ўзи истаган пайтда яхшигина пул ишлашни билади, аммо, бу ҳолат ахён-ахёнда, устанинг пули тугаган пайтда бўп туради. Бугун эса унинг пули бор, шекилли, мижозлар неча пул беришса тортишмаяпти.

Уста ишлаётган қайси пайтда юқорида айтганим «ГАЗ-24» автомашинасининг қоробкасини олиб келган йигит қачон келувди ёдимдан кўтарилибди. Ҳар қалай у инсофли бола эканми, устанинг қилган меҳнати-ю, олаётган пулига

ачиниб кетдими, хизмат ҳақи масаласига ойдинлик киритмоқчи бўлди.

–Уста бува, мана бу қоробканинг тешигини ямаш ишлари неча пул бўлади? Ҳар қалай олдиндан келишиб олсак бўларди.

–...

–Неча пул дейсиз?

Уста йигитнинг кўлидаги қоробкани кўздан кечириб бўлгач, деди:

–Бу ишни Тошкентда қилдирсанг уч юз минг сўм бўлади.

–Эҳ,-хе. Шунча қимматми?

–Албатта, бу қоробка алюминдан ясалган, уни ямаш жуда қийин, Гузорда бу ишни мендан бошқа ҳеч ким қилолмайди. Сен ўзимиздансан юз минг сўм берсанг ҳам бўлади. Устанинг бу гапига йигит индамади. Уста сукут – розилик аломати деган ақидага биноан ишга киришиб кетди.

Бу иш ҳам унча кўп чўзилмади. Бояги ёш йигит, гап-сўзларидан Ботош қишлоғидан эканлигини англадим. Бу кишлок одамлари гапга чечан, ўзларини мулойим кўрсатгани билан ўта пухта, оғзидагини бировга олдириб қўймайдиган кишилар тоифасига қиради.

Қоробка қизиқ кетгани боис уни совутиш керак эди.

Устанинг дам оладиган хонасига кирдик. Йигит қоробка ёнида қолди.

Бир муддатдан сўнг ямалган қоробкани кўтариб йигит кириб келди ва сўради:

–Уста хизматингиз неча пул бўлади?

Ёшгина ботошлик бола (унинг пасткетаётганлигисабабли, кўзимга у ёш боладек кўрина бошлади) худди аввал келишилмаганидек устандан хизмат ҳақини сўраётгани мени ажаблантирди. Уста ҳар холда тажрибали киши, бундай мижозларнинг нима деяётганини билади, шекилли, секингина ёш йигитга келишилган гапни эслатди:

–Мен сенга айтдим-ку, юз минг сўм бўлади, деб.

–Мен, сизни ҳазиллашдингиз деб ўйлабман!

Боланинг бу гаплари мени ранжитди. Чунки, бола безбетлик қилаётганди.

–Қанақа ҳазил? Буни альюмин пайвандлаш дейдилар, жуда мураккаб иш. Иш бошлашдан олдин сен сўрадинг, мен сенга айтдим «Тошкентда бу ишни уч юз

минг сўмга қилишади, менга юз минг берсанг бўлади» дедим.

–Уста бува юз мингга мен бундай қоробкани янгисини оламан! Лекин, сизни ҳазиллашяпти, деб ўйлагандим.

–Қанақа ҳазил? Майли, эллик минг бер-у, кетавер.

–Эллик минг сўм пулим йўқ.

–Бошимниям роса қотирдинг, бор жўна, сенга қилиб берган ишим бепул, хайрия!

Устанинг жаҳли чиқаётгани тўғри эди. Йигит ёш бўлишига қарамай роса сурбет ҳам экан. Кетмайди, аксинча, ҳаммани ҳайратда қолдириб, бундай деди:

–Уста бува, шу ямаб берган қоробкани қайтадан тешиб беринг, ўша бузук холида қайтариб олиб кетаман.

–Сен бола тентакмисан? Ўзим ямаб берган нарсани қайтадан тешайми? Аҳмоқмисан? Бу ёққа кара, сенга йигирма минг сўм бераман, кўзимдан йўқол, бўптимми?

–Уста, бу қоробкани нафақахўр отамнинг машинасига оляпман. Бор йўқ пулим йигирма минг сўм, мана олинг,-деди йигитча ва чўнтагидан пул чиқарди.

Уста пулга кўлини чўзмади. Йигит пулни уста ётадиган тахта қаравотга қўйди. Уста бу ёш йигит билан умуман талашини истамади, унинг тезда бу ердан кетишини хоҳларди. Чунки, ботошлик йигит гапга чечан чиқиб қолди.

Уста бирон гап айтса, яна энгилиши мумкин.

Мана юқорида мен сизга учта воқеани айтдим. Умумий айтганда бу воқеаларнинг ҳаммаси динимиздаям, миллийлигимиздаям қораланадиган энг ёмон иллат ХАСИСЛИК дейилади.

Афсуски, ҳасисликнинг турлари кўп. Тўғрими?

Атрофчетимиздасодирбўлаётган ҳасисликнинг бошқа турларига ўтишдан олдин, юқоридаги ҳасисликни йўқотишнинг ягона йўли ПРЕЙСКУРАНТни олдиндан осиб қўйиш деб хулоса қилсак, менимча маъқул.

Анвар Шукуров
facebook.com

<p align="center">“ERKIN YURT” интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Мухаррир: Нурбек Саломов</p>
